



қолади, холос” (Насоий ва Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятга кўра, банда рўза тутиб, қайтарилган ишлардан тийилмаса, Аллоҳга тақво қилмаса, унинг кун бўйи оч юриб, ташна бўлгани қолади. Унга ҳеч қандай савоб берилмайди.

بُرِّمَ لَسَوْوَهُ لَعَلَّه لَلَّصَّ لَلَّوَسَّرَ لَاقٍ لَاقٍ عُنَّ لَلَّيَضَّرَ رَءِيْرُهُ بَأَنِّ عَو  
دَمَحْ أَوْ رَءَسَلَّ لَمَّ أَيْ قَوْمٌ طَحَّ مِئِاقٌ بَرَوْ شَطَعُ لَاقٍ عُوْجَلَّ لَمَّ أَيْ صَوْمٌ طَحَّ مِئِاقٌ  
حَيَّ صَوْمٌ دَنَسَوْوَهُ لَعَلَّه لَلَّوَسَّرَ لَاقٍ لَاقٍ عُنَّ لَلَّيَضَّرَ رَءِيْرُهُ بَأَنِّ عَو

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Шундай рўзадор борки, унинг рўзадан насибаси фақат очлик ва ташналик. (Кечаси) қоим бўлувчи яна шундай (банда ҳам) борки, унинг қоим бўлишидан насибаси фақат уйқусизликдир” (Аҳмад, Ҳоким, Табароний, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Байҳақий ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ).

Амалларда ният, ихлос ва тақво бўлмаса, ундан кўзланган асл мақсад ҳосил бўлмайди. Ихлос ва тақвосиз амал қанча чиройли ва кўп кўринса-да, у на соҳиби ва на ўзгаларга фойда беради. Ривоятда айтилишича, қайси банда рўза тутиб, Аллоҳга тақво қилмаса, унинг кун бўйи оч-наҳор юрганигина қолади. Унга ҳеч қандай ажр-савоб берилмайди. Кечаси ибодат қилиб, Аллоҳ ҳаром қилган ишлардан сақланмайдиганлар ҳам шундай. Уларнинг кечаси туриб, уйқусиз бўлганлари қолади. Уларга ҳеч қандай мукофот ҳам, савоб ҳам берилмайди.

نَمَّ لَاقٍ مَّ لَسَوْوَهُ لَعَلَّه لَلَّوَسَّرَ لَاقٍ لَاقٍ عُنَّ لَلَّيَضَّرَ رَءِيْرُهُ بَأَنِّ عَو  
دَمَحْ أَوْ رَءَسَلَّ لَمَّ أَيْ قَوْمٌ طَحَّ مِئِاقٌ بَرَوْ شَطَعُ لَاقٍ عُوْجَلَّ لَمَّ أَيْ صَوْمٌ طَحَّ مِئِاقٌ  
حَيَّ صَوْمٌ دَنَسَوْوَهُ لَعَلَّه لَلَّوَسَّرَ لَاقٍ لَاقٍ عُنَّ لَلَّيَضَّرَ رَءِيْرُهُ بَأَنِّ عَو





Ҳақиқий рўзадор бошқалар билан тортишиб, ўзининг ҳам, бировнинг ҳам асабини бузиб, рўзаси савобини камайтириб, вақтини зоеъ кетказмайди. Балки орада жанжал чиққан тақдирда ўзининг рўзадор экани, шу сабаб жанжаллашиб ўтиришни лойиқ кўрмаслигини маълум қилади.

Бошқа тарафдан олиб қараганда, банда рўза тутганда, унда тақводорлик ҳисси, руҳий комиллик белгилари пайдо бўлади. Рўза тутган банда Аллоҳни яхшироқ танийди, ибодатларга эътибори ортади, намозда хушуъ пайдо бўлади. Зеро, ихлос билан рўза тутган бандани Аллоҳ тақвога бошлайди.

Рўза пайтида банда таом ва ичимликни тарк қилади. Мана шу иккиси истеъмолида ҳаддан ошиш бандани нафс қулига айлантиради. Рўзадорлик чоғида нафақат таом, балки маънавий жинойтлар, гуноҳлардан тийилишга ҳам ҳаракат қилинади.

Иккинчи тарафдан, рўзадан мақсад тақво ва рўза тутган бандага тақво сари йўл очилар экан, қайси банда рўза тутиб, фақат моддий жиҳатга эътибор берсаю, маънавий рўзани эсдан чиқарса, унинг рўзаси нуқсонли бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, банда рўзадор ҳолида овқатдан тийилиш билан бир қаторда тили, кўзи, қулоғи ва қўл-оёқларини ножоиз ишлардан сақлаши, тақвога эътибор бериш керак бўлади. Банда рўза тутмаган пайтида ҳам ушбу аъзоларини ҳаром ишлардан тийиши шарт. Аммо, рўзадорлик пайтида бу нарсага кўпроқ эътибор бериш талаб этилади. Зеро, рўзадан мурод тақводир.

[1] Насоий ушбу ривоятда “Ас-сунанул кубро” да келтирган.

[2] Насоий ушбу ривоятни “Ас-сунанул кубро” да келтирган.

**Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани бош  
имом хатиби Одилхон қори Исмоилов**